

"Зикр аҳлидан сўранг" 120-сони



05:00 / 02.02.2015 3635

"Зикр аҳлидан сўранг" 120-сони

Севимли «Зикр аҳлидан сўранг» савол-жавоблар тўпламининг 120-сони чоп этилди. Ҳар доимгидек сиз азизлардан келаётган саволларга жавоблардан иборат бўлган ушбу нашримизнинг бу сони алоҳида бир мавзуга – уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш одобларига бағишланган.

Бизнинг динимизда одоб ва ахлоққа алоҳида эътибор берилгани барчага маълум. Мусулмон уммати ўзининг олижаноб одоби ва ахлоқи ила барчага манзур бўлгани ҳам маълум.

Аммо минг афсуслар бўлсинки, бу борадаги ишлар орқага кўтаётгани ҳам барчага маълум. Албатта, ушбу ўта аҳамиятли ишни қайтадан йўлга қўйиш бўйича ҳаракатлар ҳам бўлиб турибди. Биз чиқарган китобларнинг барчаси одоб ва ахлоқ масаласига ҳегишли бўлса ҳам, алоҳида шу мавзунинг ўзига

бағишлаб бир неча асараларни чоп этиш бахтига муяссар бўлдик. «Руҳий тарбия», «Одоблар хазийнаси», «Одоб китоби», «Яхшилик ва ахлоқ китоби», «Яхшилик ва силаи раҳм китоби» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, бугунги кунга келиб аввалги китобларимизда зикр этилмаган, одоб ва ахлоққа бевосита боғлиқ бўлган муаммолар пайдо бўлиб, кенг тарқалиқ кетди. Телефон, уяли алоқа ва транспорт воситаларидан, телевизор, видео ва компьютерлардан, интернет ва бошқа ахборот технологияларидан фойдаланиш шулар жумласидандир. Бу нарсаларнинг ҳам ўзига яраша одоби борлиги кўпчиликнинг ёдига ҳам келмаяпти. Пиёда юрганда одобга риоя қилган одамларимиз автоуловда юрганда беодоблик қилишмоқда. Жонли суҳбатда одобли бўладиган одамлар телефон ёки интернет ила алоқа қилганда ўта беҳаёлик намуналарини кўрсатмоқдалар ва ҳоказо.

Албатта, бу ҳолат уламоларимизни қаттиқ ташвишга солди. Маслаҳатлашиб, кишиларимизга ижтимоий муомалаларда одоб ва ахлоқни қандай йўлга қўйиш бўйича бир оз бўлса-да маълумотлар тақдим қилишга қарор қилдик.

Бу борада сидқидилдан хизмат қилишга ҳиммат камарини биринчилардан бўлиб маҳкам боғлаганлардан бири муҳтарам Ҳусайн қори Яҳё Абдулмажидхон бўлдилар. У киши маслаҳат ва илтимосларга биноан «Уяли алоқа фикҳи» номли рисола тезда ёзиб битирдилар. Ушбу рисола зудлик билан Ислому.уз интернет саҳифасига қўйилди. Кишиларимиз бу ажойиб рисола катта қизиқиш билан ўргандилар. Кейин уни рус тилига таржима қилиб, русча сайтимизга ҳам қўйдик. Мана энди кўпчиликнинг талабига биноан «Зикр аҳлидан сўранг» силсиласида ҳам нашр этишга қарор қилдик.

Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Номи:Зикр аҳлидан сўранг. 120-сон

Нашриёт: «Шарқ» НМАК

Сана: 2012

Ҳажми: 48 бет

ISBN:978-9943-00-819-9

Ўлчами:70×90 1/32

Нархи: 700 сўм

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 1992-сонли тавсияси ила чоп этилган

Мурожаат учун телефон: (+998 71) 216 29 27